Жамиятнинг бир неча ҳисобрақамлари мавжуд бўлиб, хусусан пенсия нафақалар ҳисоб китобларни амалга ошириш учун пенсия ҳисобрақамига ҳам эга. Аудитга тақдим қилинган барча банк кўчирмалари ойлик асосда алоҳида папкаларда хронологик тарзда тикилган ва барча операциялар бўйича тасдиқловчи дастлабки ҳужжатлар – счет фактура, бажарилган ишлар ҳақида далолатномалар бор ва мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан ҳисоб китоб ҳужжатларида жамият раҳбариятининг тасдиқлари қўйилган. Банк счёти операциялари танлов асосида текширилди. Барча банк кўчирмалари бирламчи ҳужжатлар билан бирга регистрларда акс этган. Кўчирмалардаги қолдиқ бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларидаги қолдиқлар билан мос келади. Банк муомалалари аудитида жиддий хато ва камчиликларга дуч келинмади. Валюта ҳисобварақ қолдиқлари ҳар ойда тўғридан тўғри қайта баҳолаш орқали қайта баҳоланган.

2.3.8 Ходимлар билан меҳнат ҳақи юзасидан ҳисоб-китобларни аудити.

Ҳисобнинг бу бўлими бўйича меъёрий база сифатида қуйидаги меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади:

- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ижтимоий суғурта тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”г қарори, 20.09.2022 йилдаги 515-сон.

Жамиятда ходимларни ишга қабул қилиш меҳнат шартномалари ва у имзолангандан кейин раҳбарнинг ходимни ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруғи билан расмийлаштирилади. Ишчилар буйруқ билан таништирилганлар. Ҳар бир ишчига Т-2 шаклдаги шахсий карточка очилган. Ишчиларнинг лавозим жадваллари тасдиқланган. Жамиятда ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш Меҳнат ҳақини ҳисоблаш ва тўлаш тўғрисидаги Низомга асосан амалга оширилади.

Ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган иш вақти иш вақтини ҳисобга олиш табели Т-13 шаклини тўлдириш орқали ҳисобланади. Ходимларнинг иш ҳақини ҳисоблаш ва даромад солиғини ушлаб қолиш “1С Предприятия” дастурий таъминоти ёрдамида амалга оширилади. Ходимларга моддий ёрдам, рағбатлантириш тусидаги тўловлар ва бошқа тўловлар жамият директори буйруғи билан расмийлаштирилади.

Ишчи ходимлардан уларнинг аризаларига асосан аъзолик бадалларига, ўқиш контракт пулига, ипотека кредитини сўндириш учун ушланмалар ушлаб қолинган. Булардан ташқари даромад солиғи, алиментлар ва бошқа мажбурий ушланмалар ҳам ушлаб қолинган.

2.3.9 Ҳисоб-китоб-тўлов тартиби аудити

Ҳисобнинг бу бўлими бўйича меъёрий база сифатида: Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатлар хизмат қилади.

Бухгалтерия баланси маълумотларига кўра 2025 йил 1 январ ва 30 июнь ҳолатида дебитор қарзлар қолдиқлари қуйидагича бўлган:

минг сўм

Қатор номи	Қатор коди	01.01.2025 ҳолатида	30.06.2025 ҳолатида
Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи (4000 дан 4900 нинг айирмаси)	220	25,014,309	27,151,943
Ажратилган бўлинмаларнинг қарзи (4110)	230	0	0
Шўба ва қарам хўжалик жамиятларнинг қарзи (4120)	240	0	0
Ходимларга берилган бўнақлар (4200)	250	0	35
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар (4300)	260	10,248,163	7,451,015
Бюджетта солиқ ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари (4400)	270	8,074,778	2,703,127
Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловлари (4500)	280	44,099	0
Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи (4600)	290	0	0
Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи (4700)	300	173,770	178,280
Бошқа дебиторлик қарзлари (4800)	310	181,294	125,161
Жами		43,736,413	37,609,561

Дебитор қарзларнинг 2025 йил 30 июнь ҳолатида баланс ва ҳисоб регистрлари маълумотлари солиштирма таҳлили:

минг сўм

Қатор номи	Қатор коди	Айланма сальдоли ведомость	Баланс	Фарқ
Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи (4000 дан 4900 нинг айирмаси)	220	27,151,943	27,151,943	0
Ажратилган бўлинмаларнинг қарзи (4110)	230	0	0	0
Шўба ва қарам хўжалик жамиятларнинг қарзи (4120)	240	0	0	0
Ходимларга берилган бўнақлар (4200)	250	35	35	-0
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар (4300)	260	7,451,015	7,451,015	-1
Бюджетта солиқ ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари (4400)	270	2,703,127	2,703,127	0
Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловлари (4500)	280	0	0	0
Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи (4600)	290	0	0	0
Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи (4700)	300	178,280	178,280	0
Бошқа дебиторлик қарзлари (4800)	310	125,161	125,161	0
Жами		37,609,561	37,609,561	0

Бухгалтерия баланси маълумотларига кўра 2025 йил 1 январ ва 30 июнь ҳолатида кредитор қарзлар қолдиқлари қуйидагича бўлган:

минг сўм

Қатор номи	Қатор коди	01.01.2025 ҳолатида	30.06.2025 ҳолатида
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз (6000)	610	2,160,852	189,760
Ажратилган бўлинмаларга қарз (6110)	620	0	0
Шўба ва қарам хўжалик жамиятларга қарз (6120)	630	0	0
Кечиктирилган даромадлар (6210, 6220, 6230)	640	0	0
Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар (6240)	650	0	0
Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар (6250, 6290)	660	0	0

Олинган бўнақлар (6300)	670	515,485	113,862
Бюджетга тўловлар бўйича қарз (6400)	680	0	0
Суғурталар бўйича қарз (6510)	690	0	0
Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз (6520)	700	0	0
Таъсисчиларга бўлган қарзлар (6600)	710	908,658	5,759,860
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз (6700)	720	0	0
Қисқа муддатли банк кредитлари (6810)	730	0	0
Қисқа муддатли қарзлар (6820, 6830, 6840)	740	0	0
Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми (6950)	750	9,799,992	3,900,000
Бошқа кредиторлик қарзлар (6950 дан ташқари 6900)	760	4,795	117
Жами		13,389,782	9,963,599

Кредитор қарзларнинг 2025 йил 30 июнь ҳолатида баланс ва ҳисоб регистрлари маълумотлари солиштирма таҳлили:

Қатор номи	Қатор коди	Айланма сальдоли ведомость	Баланс	Фарқ
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз (6000)	610	189,760	189,760	0
Ажратилган бўлинмаларга қарз (6110)	620	0	0	0
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларга қарз (6120)	630	0	0	0
Кечиктирилган даромадлар (6210, 6220, 6230)	640	0	0	0
Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар (6240)	650	0	0	0
Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар (6250, 6290)	660	0	0	0
Олинган бўнақлар (6300)	670	113,862	113,862	0
Бюджетга тўловлар бўйича қарз (6400)	680	0	0	0
Суғурталар бўйича қарз (6510)	690	0	0	0
Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз (6520)	700	0	0	0
Таъсисчиларга бўлган қарзлар (6600)	710	5,759,860	5,759,860	0
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз (6700)	720	0	0	0
Қисқа муддатли банк кредитлари (6810)	730	0	0	0
Қисқа муддатли қарзлар (6820, 6830, 6840)	740	0	0	0
Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми (6950)	750	3,900,000	3,900,000	-0
Бошқа кредиторлик қарзлар (6950 дан ташқари 6900)	760	117	117	-0
Жами		9,963,599	9,963,599	0

2.3.10 Даромадлар ҳисоби аудити.

Ҳисобнинг бу бўлими бўйича меъёрий база сифатида:

Солиқ Кодекси; Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54 – сонли қарорига илова «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида НИЗОМ», 2 - сон БҲМС «Асосий хўжалик фаолиятдан тушган даромадлар» хизмат қилади.

Жамиятнинг асосий мақсади бошқа хўжалик юритувчи субъектлар каби фойда олиш ва куйидаги соҳа фаолияти билан шуғулланиб даромадлар олади:

- Озуқа ва техникспирт ишлаб чиқариш ва сотиш;
- Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқиш ва сотиш;
- Микробиологик маҳсулот, парфюмерия ва косметика буюмлари ишлаб чиқариш ва сотиш.

Асосий фаолиятдан олинган даромадлар

Асосий хўжалик фаолиятдан олинган даромадлар - хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолияти давомида вужудга келадиган давр ичида мулк эгаларининг ўз сармояларига бадали билан боғлиқ бўлган кўпайишларни истисно этганда, ўз сармояси кўпайишига олиб келадиган тушумлар.

Жамиятнинг 2025 йил 1 ярим йиллик давр бўйича тузилган 2-сонли Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг 010 сатрида 104 241 421.00 минг сўм асосий фаолиятдан олинган даромад акс этган. Бухгалтерия ҳисобида ҳам 90.10 счетда шунча даромад акс этган.

Даромадларнинг турлари бўйича таркиби куйидагилардан иборат:

Счет	Кўрсаткичлар номи	Сумма
90	Асосий фаолият бўйича даромадлар	104,241,421,773.98
90.10	Тайёр маҳсулотлар реализациясидан даромад	104,241,421,773.98

Бошқа даромадлар

Бошқа даромадлар - товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ бўлмаган операциялардан олинadиган даромадлар.

2025 йил 1 ярим йиллик якуни бўйича шакллантирилган 2-сонли молиявий натижалар тўғрисидаги хисоботнинг 090 сатрида 1 035 374.2 минг сўм бошқа даромадлар акс эттирилган. Бухгалтерия хисобида ҳам 93 счетда шунча бошқа даромадлар акс этган.

Счет	Кўрсаткичлар номи	Сумма
9300	Прочие доходы от основной деятельности	1,035,374,182.05
9310	Доходы от выбытия основных средств	473,835,535.25
9320	Доходы от выбытия прочих активов	322,421,534.84
9350	Доходы от краткосрочной аренды	141,000,000.00
9360	Доходы от списания кредиторской задолженности	98,092,211.95
9390	Прочие доходы от основной деятельности	24,900.01

Молиявий фаолиятдан даромадлар

2025 йил бўйича 2-сонли Молиявий натижалар тўғрисидаги хисоботида молиявий фаолият бўйича 68 138 минг сўм даромадлар келтирилган.

2.3.11 Харажатлар хисоби аудити.

Хисобнинг бу бўлими бўйича меъёрий база сифатида: Солиқ Кодекси; Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54 – сонли қарорига илова «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида НИЗОМ», 21 - сон БХМС хизмат қилади.

Асосий ишлаб чиқариш харажатлари

Жамият ишлаб чиқари фаолияти билан шуғулланганлиги туфайли ишлаб чиқариш билан боғлиқ асосий харажатлар хисоби 2010 счетда юритилган. Хар ой якунида ушбу счет 2810 счетга “Тайёр маҳсулот” га ёпилган.

Маҳсулот, иш ва хизматлар таннархи

Молиявий натижалар тўғрисидаги хисоботнинг 020 сатрида 36 304 961.9 минг сўм сотилган маҳсулотлар таннархи акс этган. Бухгалтерия хисобида ҳам сотилган маҳсулотлар таннархи 91 счетда тўлиқ акс эттирилган ва хисобот маълумотларидан фарқ қилмайди:

Счет	Наименование счета	Сумма
91	Сотилган маҳсулотлар таннархи	84,021,482,216.67
91.10	Сотилган тайёр маҳсулотлар таннархи	84,021,482,216.67

Молиявий натижалар тўғрисидаги хисоботнинг 030 сатрида 20 219 940 минг сўм ялпи фойда акс этган.

Давр харажатлари

Жамиятнинг 2025 йил бўйича тузилган Молиявий натижалар тўғрисидаги хисоботда давр харажатлари 7877221713 минг сўм бўлиб, шундан сотиш харажатлари 551 811 минг сўм, маъмурий харажатлар 2 040 599 минг сўм ва бошқа операцион харажатлар 5 284 811 минг сўмни ташкил этган. Барча харажатлар 54 сонли Низом талаблари дорасида гуруҳланганлиги аниқланди. Бухгалтерия хисоби маълумотлари молиявий хисоботларда акс эттирилган маълумотларга мос келади.

сўм

Счет	Кўрсаткичлар номи	Сумма
94	Давр харажатлари, шу жумладан:	7,877,221,713.41
94.10	Сотиш харажатлари	551,811,394.24
94.20	Маъмурий харажатлар	2,040,599,157.76
94.30	Бошқа операцион харажатлар	5,284,811,161.41

Молиявий фаолиятдан харажатлар

2024 йил бўйича 2-сонли Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда молиявий фаолият бўйича харажатлар таркибида 2 243 053 минг сўм келтирилган.

2.4 СОЛИҚ ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР ҲИСОБЛАНИШИ ВА ТЎЛАНИШИ АУДИТИ.

Аудит мақсади:

- тузилган ва тегишли органларга тақдим этилган солиқлар ва мажбурий тўловлар ҳисоб-китоби тўғрилигини баҳолаш;
- солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлашнинг белгиланган тартиби бузилиши ҳолатларини, солиқ солинадиган базани белгилашда четга чиқишларни баён қилиш.

Жамият умумбелгиланган солиқ тизимидаги солиқ тўловчи бўлиб, қуйидаги солиқлар тўловчиси ҳисобланади:

- Юридик шахслар фойда солиғи;
- Қўшилган қиймат солиғи;
- Акциз солиғи
- Мол мулк солиғи;
- Юридик шахслар ер солиғи;
- Сув ресурслардан фойдаланганлик учун солиқ;
- Тўлов манбаида ушлаб қолинадиган жисмоний шахслар даромад солиғи;
- Ижтимоий солиқ.

Йил давомида қуйидаги солиқ ажратмалар ҳисобланган ва тўланган:

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Ҳисобланган миқдор	Ҳақиқатда тўланган
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	280	3,372,786.00	2,552,208.00
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	290	1,565,302.00	1,565,302.00
в том числе: ИНПС	291	13,044.00	13,044.00
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфрас ривожлантириш солиғи	300		
Қўшилган қиймат солиғи	310	17,432,587.00	18,000,000.00
Акциз солиғи	320	96,910,369.00	97,478,488.00
Ер ости бойликлардан фойдаланганлик солиғи	330		
Сув ресурсларидан фойдаланганлик солиғи	340	481,232.00	540,520.00
Юридик шахсларнинг мол-мулкига солиқ	350	410,939.00	455,940.00
Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	360	311,849.00	357,832.00
Ягона солиқ тўлови	370		
Ягона ер солиғи	380		
Фиксир солиқ	390		
Бошқа солиқлар	400		
Республика йўл жамғармасига ажратмалар	410		
Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар	420		
Мактаб таълими жамғармасига ажратмалар	430		
Ягона ижтимоий тўлов	440	1,562,314.00	1,562,314.00
Импорт бўйича божхона божи	450		
Маҳаллий бюджетга йитимлар	460		
Бюджетга тўловлар кечиктирилгани учун молиявий жазолар	470		
Жами бюджетга тўловлар суммаси	480	122,047,378.00	122,512,604.00

2.4.1 Акциз солиғи

Жамият озиқ овқат спирти ишлаб чиқариш фаолияти бўйича акциз солиғи тўловчиси ҳисобланади. Акциз солиғининг ставкалари мутлақ суммада (катъий) белгиланган акциз

тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган база акциз тўланадиган товарларнинг натурада ифодаланган ҳажми асосида аниқланади.

Этил спирти ишлаб чиқарувчилари учун хар бир дал маҳсулотга 15000 сўм солиқ ставкаси 2025 йил 1 январдан амал қилиб келган.

Жамият 2025 йил 1 ярим йиллик давр учун ДСИ га тақдим этилган акциз солиғи ҳисоб китобларида 6403.4 минг дал спирт бўйича жами 96 050 520.0 минг сўм солиқлар ҳисобланган.

Акциз тўланадиган товарлар (хизматлар) номи	Ўлчов бирлиги	Акциз солиғини ҳисоблаш учун солиқ солинадиган база	Ҳисобланган акциз солиғи суммаси. Минг сўм
Алкоголли маҳсулотлар бўйича жами:		6,403,368.00	96,050,520,000.00
озик-овқат хом ашёсидан ректификацияланган этил	дал	6,282,455.40	94,236,831,000.00
эфироальдегидли фракциядан техник этил спирти (код-этил спиртининг бошланғич фракцияси (код-17)	дал	120,912.60	1,813,689,000.00

Ҳисобда акциз солиғи 6440 счетда юритилган. Ҳисобланган солиқ суммаси бухгалтерия ҳисобидаги суммаларга мос келади.

2.4.2 Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.

Жамият 2025 йил учун фойдаланиш мўлжалланаётган сув ресурслари, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси ва солиқ суммаси акс этган маълумотнома тақдим этган, йил якунлари бўйича эса қуйидагича якуний солиқ ҳисоботи топширилган:

Кўрсаткичлар	Жами	Янгийул шаҳри		Янгийул тумани	
		Ер усти манбаъ	Ер ости манбаъ	Ер усти манбаъ	Ер ости манбаъ
1	3	4	5		
Саноат корхоналари учун фойдаланилган сув ҳажми	1324000		1324000		2400
Жорий йилга 1 метр куб учун белгиланган солиқ ставкаси		805	977.5	805	977.5
Солиқ суммаси	1,296,556,000.00		1,294,210,000.00		2,346,000.00

Бухгалтерия ҳисобида хар ой сувдан фойдаланганлик учун солиқ суммаси акс эттириб борилган. 2025 йил бўйича сув солиғи бўйича харажат 631 660.5 минг сўм акс эттирилган.

2.4.3 Юридик шахслар ер солиғи

Солиғи жамият 2025-йилда ўзидаги мавжуд ер участкалари бўйича ер солиғи ҳисоб китобларини ер участкалари жойлашган туман ДСИсига топширган.

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Янгийул шаҳри	Янгийул туман
Ер участкасининг умумий майдони бўйича (мазкур Ҳисоб-китобга илованинг 010-сатридаги 4, 13-устунлари)	гектар	12.0364	6.3040
Солиқ солинмайдиган ер майдони - мазкур ҳисоб-китобга 1-илованинг 010 сатр 9-10-устунлари	гектар	0.0000	6.3040
Солиқ базаси (010-сатр - 020-сатр)	гектар	12.0364	0.0000
Йил учун бюджетга тўланиши лозим бўлган жами солиқ суммаси (мазкур Ҳисоб-китобга илованинг 010-сатридаги 13-устун) шу жумладан:	сўм	720,125,775.7 2	0.0000
январь ой учун – 20 январгача	х	60,010,481.31	0.0000
февраль ой учун – 10 февралгача	х	60,010,481.31	0.0000
март ой учун – 10 мартгача	х	60,010,481.31	0.0000
апрель ой учун – 10 апрелгача	х	60,010,481.31	0.0000
май ой учун – 10 майгача	х	60,010,481.31	0.0000
июнь ой учун – 10 июнгача	х	60,010,481.31	0.0000
июль ой учун – 10 июлгача	х	60,010,481.31	0.0000
август ой учун – 10 августгача	х	60,010,481.31	0.0000
сентябрь ой учун – 10 сентябргача	х	60,010,481.31	0.0000
октябрь ой учун – 10 октябргача	х	60,010,481.31	0.0000
ноябрь ой учун – 10 ноябрча	х	60,010,481.31	0.0000
декабрь ой учун – 10 декабргача	х	60,010,481.31	0.0000

2025 йил 1 ярим йиллик учун ҳисобланган жами ер солиғи миқдори 360 062 минг сўмни ташкил этган. Ушбу сумма 1С дастурида харажатлар таркибида ойма ой кесимда акс эттирилган. Ер солиғи ҳисоб китобида жамият томонидан кўрсатилган ер майдони ушбу ер майдони кадастр хужжатидан фарқ қилиш ҳолатлари кузатилмади. Ер солиғи ҳисоб китоби бўйича фарқлар аниқланмади.

2.4.4 Юридик шахслар мол-мулк солиғи

Жамият Солиқ кодексининг 59 бобига асосан юридик шахслар мол-мулк солиғи тўловчиси ҳисобланади. Солиқ кодексининг 417 моддасига асосан юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига йилда бир марта, йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади. Агар кўчмас мулк солиқ тўловчининг солиқ бўйича ҳисобга олиш жойида жойлашмаган бўлса, ҳисоб-китоб кўчмас мулк жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилади. Солиқ даври мобайнида солиқ тўловчилар юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича жорий тўловлар тўлайдилар. Жорий тўловлар миқдорини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ тўловчилар жорий солиқ даврининг 20 январигача давлат солиқ хизмати органларига мўлжалланаётган солиқ солинадиган базадан (тегишли йил учун мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматидан (ўртача йиллик қийматидан) ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган жорий солиқ даври учун юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани тақдим этадилар.

Жамият 2025-йил учун мўлжалланаётган солиқ солинадиган база учун солиқ ставкаси ва солиқ суммаси акс этган маълумотнома қуйидагича тақдим этилган:

Курсаткичлар	Сатр коди	Шаҳар	Туман
Солиқ базасининг умумий қиймати (020-сатр + 050-сатр + 080-сатр + 090-сатр+130-сатр)	010	58,859,701,598.32	36,745,774,000.00
Базавий ставка бўйича солиққа тортиладиган қиймат (маълумотнома иловасининг 010-сатр 16-устуни)	020	58,859,701,598.32	36,745,774,000.00
Солиқ ставкаси, % да	030	1.50	1.50
Солиқ суммаси (020-сатр x 030-сатр)	040	882,895,523.97	551,186,610.00
Норматив муддатда қурилиши тугалланмаган объектнинг мўлжалланаётган ўртача йиллик қиймати (маълумотнома иловасининг 020-сатр 16-устуни)	050	0,00	0,00
Солиқ ставкаси, % да	060	0,00	0,00
Солиқ суммаси (050-сатр x 060-сатр)	070	0,00	0,00
Консервация қилиниши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган кўчмас мулк ва тугалланмаган қурилиш объектларининг мўлжалланаётган ўртача йиллик қолдиқ қиймати (маълумотнома иловасининг 030-сатр 16-устуни)	080	0,00	0,00
Темир йўллар, магистрал қувурлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, шунингдек мазкур объектларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотларнинг мўлжалланаётган ўртача йиллик қолдиқ қиймати (маълумотнома иловасининг 040-сатр 16-устуни)	090	0,00	0,00
Солиқ солинадиган база (080-сатр + 090-сатр)	100	0,00	0,00
Солиқ ставкаси, % да	110	0,00	0,00
Солиқ суммаси (100-сатр x 110-сатр)	120	0,00	0,00
Қурилиш ташкилотлари ёки иморатларни қурувчилар балансида кейинчалик сотиш учун кўрсатилган турар жой кўчмас мулк объектларининг (кўчмас мулк объекти фойдаланишга топширилгандан кейин олти ой ўтгач) ўртача йиллик қиймати (маълумотнома иловасининг 050-сатр 16-устуни)	130	0,00	0,00
Солиқ ставкаси, % да	140	0,00	0,00
Солиқ суммаси (130-сатр x 140-сатр)	150	0,00	0,00



Имтиёз суммаси (маълумотнома иловасининг 010-сатр 19-устуни)	160	0,00	551,186,610.00
Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг умумий суммаси ((040-сатр + 070-сатр + 120-сатр) - 160-сатр))	170	882,895,524.00	0,00
январь	1701	73,574,627.00	0,00
февраль	1702	73,574,627.00	0,00
март	1703	73,574,627.00	0,00
апрель	1704	73,574,627.00	0,00
май	1705	73,574,627.00	0,00
июнь	1706	73,574,627.00	0,00
июль	1707	73,574,627.00	0,00
август	1708	73,574,627.00	0,00
сентябрь	1709	73,574,627.00	0,00
октябрь	1710	73,574,627.00	0,00
ноябрь	1711	73,574,627.00	0,00
декабрь	1712	73,574,627.00	0,00

Бош китобда мол мулк солиғи бўйича мажбурият 6450 сатрда акс эттирилган. Харажат сифатида 1 чорак якуни бўйича 441447.8 минг сўм солиқ шакллантирилган.

2.4.5 Ижтимоий солиқ ҳисоби аудити.

Жамият ижтимоий солиқ тўлови ҳисоблаш ва тўлашда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг тегишли моддаларига амал қилган ҳолда фаолият юритган.

Жисмоний шахсларга 2025 йил 1 ярим йиллик жами 11 782 981.2 минг сўм иш ҳақи ва бошқа даромадлар ҳисобланган. Шундан 11 606 581.4 минг сўм сумма солиқ солинадиган базаси сифатида қаралиб ижтимоий солиқ тулов ҳисоб китобида кўрсатилган.

Солиқ ҳисоботи ва бухгалтерия маълумотлари таққослама жадвали:

№	Кўрсаткичлар	Бухгалтерияда	Ҳисоботда	Фарқи
ИЖТИМОЙ солиқ				
1	Мехнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар	11,606,581,836.67	11,606,581,836.67	-0.06
2	Имтиёз	0	0	0.00
3	ИС ҳисобланадиган база	11,606,581,836.67	11,606,581,836.67	-0.06
4	Ставка	12%	12%	0.00
5	ИС суммаси	1,392,789,820.40	1,392,789,820.40	-0.01

Ҳисоботда ҳисобланган солиқлар бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан мос келади.

2.4.6 Жисмоний шахслардан даромад солиғи ҳисоби аудити.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ушланишининг тўғрилиги танлаб текшириш асосида амалга оширилди.

Жамиятда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ҳисобланиши ва тўланиши солиқ кодексининг тегишли моддаларига асосан амалга оширилади.

ДСИ га топширилган ҳисоботларга кўра 2025 йил давомида жамият томонидан 314 нафар жисмоний шахсларга мехнатга ҳақ тўлаш тарзида ва бошқа даромадлар шаклида жами 11 782 981.2 минг сўм даромадлар ҳисобланган.

Жами ҳисобланган жисмоний шахсларнинг даромад солиғи 2025 йил учун 1,392,789.8 минг сўмни ташкил этган.

2025 йил 1 ярим йиллик бўйича жисмоний шахслар даромадларидан даромад солиғи ҳисобланиши бўйича ДСИ га топширилган ҳисоб китоб 2 иловасида қўлланилган имтиёзлар кўрсатиб ўтилган бўлиб, унга кўра жами 81582,7 минг сўмлик СК 378 моддаси ва 379 моддаларига асосида жисмоний шахслар даромад солиқ имтиёзлари қўлланган. Имтиёзлар таркибида жисмоний шахсларнинг олий таълим муассасасида тўлов контракт суммаларини қоплашга йўналтирилган иш ҳақлари, СК 377 моддасида келтирилган шартлар асосида моддий ёрдам суммалари, 1 ва 2 гуруҳ ногиронлари учун иш ҳақининг энг кам миқдорига нисбатан белгиланган

имтиёзлар учратиш мумкин. Имтиёзлар тўғри қўлланилиши таҳлил қилинганда фарқлар аниқланмади.

2.4.7 Қўшилган қиймат солиғи.

Жамиятда қўшилган қиймат солиғининг ҳисобланиши Солиқ кодексининг тегишли бўлимига асосан амалга оширилган.

Кўрсаткичлар	Сат	Солиқ ҳисоботи	Бухгалтерия	Фарқ
Харид қилинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланган ҚҚС суммаси (сотиб олиш реестри бўйича)	10	9,778,160,606.83	9,778,160,606.83	-0.01
Товарларни (хизматларни) реализация қилиш обороти бўйича ҚҚС суммаси (1-иловининг 4-устуни 010-сатри)	20	24,302,729,358.59	24 302 729 358,76	-0.10
Бюджетга тўлангани (камайтирилиши) лозим бўлган ҚҚС суммаси, жами (020-сатр - 010-сатр)	30	14,524,568,751.76	14,524,568,751.76	-0.09

2025 йил 1 ярим йиллик давомида корхона ҚҚС солиқ солинадиган айланмалари 202522744.65 минг сўмни ташкил этган. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди реализация қилиш жойи деб эътироф этилмайдиган хизматларни кўрсатиш бўйича айланмалар 0 сўмни, ҚҚСдан озод қилинадиган айланмалар 0 сўмни ташкил қилган. Солиқ солинадиган айланмалари ҳисобига шаклланган ҚҚС суммаси 24,302,729 минг сўмни ташкил қилган. Харид қилинган товарлар (хизматлар) бўйича 9,778,160.6 минг сум ҚҚС 2025 йил 1 ярим йиллик ҳисобга олинган.

2.4.8 Юридик шахслар фойда солиғи ҳисоби.

Жамият юридик шахслар фойда солиғини Солиқ Кодексининг тегишли моддаларига асосан ҳисоблаган ва бюджетга тўлаган.

2025 йил 1 ярим йиллик ДСИ га топширилган ҳисоб китобларга кўра, жами даромад 105 344 934 минг сўмни, чегириладиган харажатлар 93 692 837 минг сўм фойда солиғи солиқ солиш базаси 11 652 097 минг сўмни ташкил этган. Фойда солиғи ҳисоб китоби 2-Илова чегирилмайдиган харажатлар таркиби бўйича фарқлар аниқланмади. Фойда солиғи ҳисоб китоби жадвали куйидагича:

Кўрсаткичлар (ўсиб борувчи тартибда тўлдирилади)	Сатр коди	Солиқ ҳисоботи	Бухгалтерия	Фарқ
Жами даромадлар (Ҳисоб-китобнинг 1-иловаси 010-сатри – 110-сатри – 121-сатри - 131-сатри - 150-сатри)	10	105,344,934,433.15	105,344,934,433.15	0.00
Чегириладиган харажатлар (Ҳисоб-китобнинг 2-иловаси 010-сатри 3-устун - 4-устун ёки 2.1-иловаси 010-сатри 3-устун - 4-устун)	20	93,692,837,092.45	93,692,837,092.45	0.00
Солиқ солинадиган фойда (010-сатр - 020-сатр)	30	11,652,097,340.70	11,652,097,340.70	0.00
Имтиёзлар - жами (Ҳисоб-китобнинг 6-иловаси 030-сатри)	40	0.00	0.00	0.00
Ноль ставка қўлланиладиган солиқ тўловчилар фойдаси (Ҳисоб-китобнинг 7-иловаси 030-сатри)	50	0.00	0.00	0.00
Солиқ базаси (030-сатр – 040-сатр - 050-сатр), бироқ "0" дан кам эмас	60	11,652,097,340.70	11,652,097,340.70	0.00
Фойда солиғининг белгиланган ставкаси, фоизда	70	15.00	15.00	0.00
Ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатидан фойдаланаётган юридик шахслар учун тузатилган солиқ ставкаси	71			0.00
Фойда солиғи суммаси – жами (060-сатр х 070-сатр ёки 060-сатр х 071-сатр)	80	1,747,814,601.11	1,747,814,601.11	0.00

Ҳисоботдаги чегирилмайдиган харажатлар куйидагича келтирилган.

Солиқ солиш мақсадлари учун харажатлар (зарарлар) рўйхати	Сатр коди	Харажатлар (зарарлар) суммаси	шундан, чегирилмайдиган харажатлар (зарарлар)
1	2	3	4
Жами харажатлар (020-сатр + 030-сатрлар йиғиндиси), шу жумладан:	010	94,141,757,278.64	448,920,186.19
Сотилган товарлар (хизматлар) таннари	020	84,021,482,216.67	448,920,186.19
010-сатрига киритиладиган асосий харажатлар*:	x	94,141,757,278.64	448,920,186.19
Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ва ижтимоий солиқ бўйича харажатлар	0105	12,999,371,657.07	105,763,384.54
Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси	0106	1,241,465,500.99	50,010,933.84
Мол-мулк, ер, сув ресурсларидан ҳамда ер қаъридан фойдаланганлик солиқлари	0112	1,433,171,149.86	49,558,255.98
Солиқ тўловчининг Солиқ кодексининг 376-моддасида назарда тутилган жисмоний шахнинг моддий наф тарзидаги даромадлари ҳисобланган харажатлари	0119	21,598,500.00	21,598,500.00
хайрия ёрдами аналга ошириш учун харажатлар, бундан меценатлик кўмагини кўрсатиш, ўқув-тарбия муассасаларига ёки етим болаларга ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун йўнайтирилган маблағлар, шунингдек Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фондига хайрия қилинган маблағлар мустасно	0122	10,000,000.00	10,000,000.00
солиқ тўловчининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган тадбирларга (соғлиқни сақлашга оид, спорт ва маданий тадбирлар, дам олишни ташкил этиш ҳамда бошқа шунга ўхшаш тадбирларга) доир харажатлари, бундан тадбирларни ўтказишга доир мажбуриятлар қонунчилик билан солиқ тўловчининг зиммасига юклатилган ҳоллар мустасно;	0126	104,794,533.74	104,794,533.74
Хўжалик шартномалари шартларини бузганлик учун тўланган ёки тан олинган жарималар, пенялар ва санкцияларнинг бошқа турлари	0132	2,907,500.00	2,907,500.00
Ушбу илованинг 0101-0134-сатрларида кўрсатилмаган бошқа харажатлар (01361-сатр - 01369-сатрлар йиғиндиси), шу жумладан:	0136	1,118,678,182.55	104,287,078.09
затраты на неработавющих цехов	01361	48,302,836.09	48,302,836.09
взносы листинговый	01362	11,250,000.00	11,250,000.00
возмещение увечье	01363	18,211,242.00	18,211,242.00
фонд охраны труда	01364	26,523,000.00	26,523,000.00

2.5 МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ПАЙТИДА ҚОНУНЧИЛИК ТАЛАБЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШНИ ТЕКШИРИШ.

Меҳнат қонунчилигига риоя қилинишини асосий тамойилларини танлама усулида текширилганда корхонада қонун бузилиш ҳоллари аниқланмади.

Солиқ қонунчилигига амал қилиниши бўйича қонунбузилиш ҳоллари аниқланмади.

Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасининг 21.12.2004 йилги «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни талаблари бажарилмоқда. Жамиятда асосий иш жой Жамият ҳисобида ишловчиларнинг барчасига Халқ банки бўлимида пенсия дафтарчалари очилган. Халқ банкига ҳар ойда маблағлар ўтказиб келинган.

Жамият томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12 май 1995 йилда қабул қилинган ПФ-1154 сонли «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» фармон талабларини бузиш ҳоллари аниқланмади. Махсулотларни энг камида 15% олдиндан тўлов бўлмасидан олтиб жўнатиш ҳолларига йўл қўйилмаган.

2.6 ИЧКИ НАЗОРАТНИНГ ҲОЛАТИНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ.

Жамият ички назорат ҳолатини текшириш қуйдагилардан иборат:

ички назорат тизимини ва унинг фаолият кўрсатишидаги мавжуд камчиликларни баён этиш;
корхона таркибий бўлинмаларидаги ижро интизомининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар,
унинг аниқ ходимлари ишидаги мавжуд камчиликлар.

Ушбу ҳисобот, активларнинг ҳолатини текшириш натижалари активларни инвентаризациядан ўтказишнинг асосланишини ҳамда уларнинг ҳаракати, амалда мавжудлиги ва сақланиши тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Шунингдек ўтказиладиган текширишлар бўйича барча ҳисоботларда корхона ижро этувчи органи ва унинг таркибий бўлинмалари фаолияти баҳоланишини, аниқланган четга чиқишлар ва қонунни бузишларни бартараф этишга доир тавсияларни, тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг тўлиқ пакетини ўз ичига олади.

Активлар тўғри ва тўлиқ сақланишини таъминлаш мақсадида жамият моддий жавобгар шахслар билан моддий жавобгарлик шартномаларини имзолайди. Шартномада моддий жавобгар шахс мажбуриятлари, шартнома амал қилиш муддатлари ва ходимнинг паспорт маълумотлари келтирилади.

Бошқа ходимлар билан меҳнат шартномалари имзоланади. Ходимларни ишга олиш, активлар тўғри сақланиши қонунчилик ва жамият ички тартиб қоидалари асосида амалга оширилади. Жамиятда бухгалтерия ҳисобини юритиш бухгалтерия(ҳисоб) бўлимига юклатилган. Ташқи фойдалаувчилар учун молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ҳисоб бўлимига юклатилган.

Молиявий хўжалик операциялар билан боғлиқ ҳужжатлар тегишли тартибда юритилган ва сақланмоқда.

Ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаш учун жамият назорат муҳити қуйдаги босқичлари таҳлил қилинди:

- бошқарув асосий тамойиллари;
- жамият ташкилий тузилмаси;
- ҳуқуқ ва мажбуриятлар тақсимланиши;
- ходимлар билан ишлаш;
- молиявий ва бошқарув ҳисоботларини тайёрлаш ва ишлаб чиқиш жараёнлари;

Ички аудит томонидан жамият ички назорат ва бухгалтерия ҳисоби тизими ҳолати текширилди. Текширув АВ томонидан 2007 йил 12-апрел №1673 сон билан рўйхатга олинган аудит стандарти асосида амалга оширилди. Бухгалтерия ҳисоби тизими ва ички назорат тизимлари ҳолатини баҳолаш учун қуйдаги ишлар амалга оширилди:

- Бухгалтерия ҳисоби тизими баҳо берилди;
 - текшириш давомида шу нарса аниқландики барча хўжалик операциялари раҳбариятнинг тегишли буйруқлар асосида амалга оширилади, шартнома, далолатнома буйруқ ва бошқа тегишли ҳужжатларда раҳбариятнинг имзолари мавжуд.
 - хўжалик операциялари бўйича даромад ва харажатлар қайси даврда амалга оширилган бўлса уша давр ҳисобида акс эттирилган
 - хўжалик операциялари тегишли ҳужжатлар асосида ҳисобда акс эттирилган, танлаб текширув утказилганда илова қилинган ҳужжатларбўйича хатоликлар аниқланмади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда жамият бухгалтерия ҳисоби тизими ЎЗР қонунчилик талаблари доирасида амалга оширилганлиги ҳулосасига келиш мумкин.

3 ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛ ТАҲЛИЛИ

Кўрсаткичлар	Йил охирига	Норма	Изоҳ
Тўлов қобилияти коэффициенти	7.49	$K > 1,25$	Тўловга лаёқатли
Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти	0.87	$K > 0,2$	Ўз айланма маблағлари билан таъминланган
Харажатлар рентабеллиги коэффициенти	0.12	$K > 0,05$	Харажатлар рентабелли
Активлар рентабеллиги коэффициенти	0.08	$K > 0,05$	Активлар рентабелли
Молиявий мустақиллик коэффициенти	11.53	$K > 1$	Молиявий мустақил
Асосий воситалар эскириш даражаси	0.60	$K > 0,5$	Асосий воситаларининг эскирганлик даражаси юқори

Аудитор хулосаси: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг томонидан 2018 йил 14 декабрдаги 1013-сонли “Давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолати таҳлилини ўтказиш РЕГЛАМЕНТИ” асосида аниқланган кўрсаткичларга асосланган ҳолда Жамиятни молиявий ҳолатини барқарор(к группе "состоятельных") гуруҳига киритиш мумкин.

4 ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Ички аудит текширувининг мақсади жамият молиявий ҳисобототларининг қонунчилик талаблари доирасида эканлиги, ишончилиги ҳақиқийлигини, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг амалдаги ҳолатини баҳолаш ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботлар Бухгалтерия Ҳисоби Миллий стандартлари тавсия ва талаблари доирасида шакллантирилган.

Аудиторлар



Холмирзаев А.А.



Баратов О.А.

